

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди, судья Л.Асатов раислигида, судья ёрдамчиси Э.Бойзоқов с... судьяси котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар – [Redacted] уруғлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади) манфаатида жавобгар [Redacted] фермер хўжалигига нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни, [Redacted] биносида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакили [Redacted] (05.01.2023 йилги йилги 04/8-02-сонли ишончнома асосида), учинчи шахс – [Redacted] вакили [Redacted] (рахбар)лар иштирокида кўриб, қуйидагиларни, –  
а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар – [Redacted] АЖ манфаатида жавобгар – [Redacted] фермер хўжалигига нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар хисобидан даъвогар фойдасига 12462490 сўм асосий қарз ва 33 000 сўм почта харажатларини ундиришни сўраган.

Суднинг 29.09.2023 йилги ажрими билан [Redacted] низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили судга маълумотномани такдим этиб, даъвони қўллаб-қувватлаб, иш бўйича тушунтириш бериб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган учинчи шахс вакили иш бўйича тушунтириш бериб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида жавобгар иштирок этмади. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасига мувофиқ ишни унинг иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб, мазмунан ҳал этишни лозим деб топди.

Суд, даъвогар ва учинчи шахс вакиллари тушунтиришини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, далилларга баҳо бериб, қуйидагиларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланишича, тарафлар (даъвогар ва жавобгар) ўртасида 21.10.2022 йилда 2023 йил ҳосили учун Бошокли дон маҳсулотлари олди-сотди шартномаси тузилган.

Шартномага асосан даъвогар томонидан жавобгарга уруғлик дони етказиб берилган.

Жавобгарнинг уруғлик донидан даъвогар олдида 12462490 сўм қарзи вужудга келган.

Жавобгарнинг даъвогар олдидаги 12462490 сўм қарзи ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Даъвогар томонидан 12.07.2023 йил ҳолатига бир томонлама тасдиқланган ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасида жавобгарнинг даъвогар олдида 12462490 сўм қарзи мавжудлиги акс эттирилган.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак, 333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса жавоб беради, 465-моддасига кўра контракция шартларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харидладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган 17.10.2023 йилги маълумотномага кўра жавобгар томонидан даъво аризасида кўрсатилган қарздорлик бўйича тўловлар амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига биноан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Бундай ҳолатда, суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, даъвогар ва учинчи шахс вакиллари тушунтиришини тинглаб, далилларга баҳо бериб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар – [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар – [REDACTED] АЖ фойдасига 12462490 сўм асосий қарз ва 33 000 сўм почта харажатлари ундиришни, давлат божини жавобгар ҳисобидан ундиришни лозим деб топди.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118,176-179,186-моддаларига амал қилиб, суд,-

қ а р о р   к и л д и:

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар – [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар – [REDACTED] АЖ фойдасига 12462490 сўм асосий қарз ва 33 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар – [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан республика бюджети даромадига 330000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш)га ҳақли.

Раислик қилувчи

Л.Асатов

